* ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ЗАРШУНОСЛАР!
* МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ҒАЛАБА
* КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИДА
* ЯНГРАСИН ҚЎШИҚ, ЯНГРАСИН ГУЛЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
2 ДЕКАБРЬ 1970 Й
ЧОРШАНБА
№ 284 (1352).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОФАРИН, ПАХТАКОРЛАР

Миллий ғуруримиз, ифтихоримиз бўлган пахтадан улкан олтин тоғлар бунёд этганлигимизга ҳамма тасанно айтмоқда. Ҳа, азамат пахтакорларимиз юбилей йилида жасорат кўрсатиб ишлашди. Мана энди ўша самарали меҳнат маҳсули: республикамиз 4 миллион 665 минг тонналик «оқ олтин» тоғини бунёд этди!

Ҳа, юбилей йилида, партиямизнинг XXIV съездига қизғин тайёргарлик кетаётган йилда, республикамизнинг барча меҳнаткашлари зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Мана, бугунги кунда ҳаммамиз она-Ватанга, жонажон партиямизга зиммага олинган мажбуриятнинг шараф билан бажарилганлигини зўр хурсандчилик билан маълум қилмоқдамиз. Мен республикамиз пойтахтининг ишчилар синфи номидан «оқ олтин» бунёдкорларига:

— Офарин, пахтакорлар! Сизнинг жасоратингиз барчага намуна бўлмоқда, дегим келади.

Ашур СОИПОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.





ВАТАНГА — 4.665.000 ТОННА ПАХТА



МАФТУНИНГМАН

Кузда далаларни кўп кездим. Қаёққа қараманг қордай оппоқ пахтазорга кўзингиз тушар эди. Деҳқонларимиз бунчалик беҳисоб ҳосил етиштиришганини кўриб кўнглим тоғдай кўтарилиб кетган эди...

Аҳил пахтакорларнинг меҳнати, унинг ички дунёси ҳақида биз мўйқалам усталари ҳар қанча асар яратсак арзийди. Ҳа, чиндан ҳам халқимиз пахта майдонида тенгсиз жасорат кўрсатди.

Пахтанинг шуҳратини тараттан азамат деҳқон ва унинг меҳнатига бир умр мафтун бўлиб қоламан.

Чингиз АҲМАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза мукофоти лауреати.

Юсуфжон ҲАМДАМ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

Бугун жаҳон узра пахтакор сўзи,
Ленин нафасидай муборак незар.
Юксак хирмонларда дўстларнинг сўзи
Янги бир асрнинг қўшиғин безар.
Байрам муборакдир қишлоқ эллари,
Оппоқ олтинидай тоза диллари.

Эркин меҳнат қаддин кўтарган,
Инсоннинг бахтидай балқийди қуёш.
Фаровон ўлканинг, бахтли халқларнинг,
Ҳар дамн тонгида яйраб кекса — ёш.
Байрам муборакдир қардош эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Сиз мудом ардоқлаб тупроғингизни,
Яшнатиб, гуллатиб гулбогингизни,
Ҳосил ўстирасиз баланд хирмонлар,
Мазмунга тўлдириб ҳар чоғингизни.
Байрам муборак дўстлик эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Ўзбек хонасида Ленин чироғи,
Қадимий чўлларда гул унди бугун.
Ер— сувлар халқники, обод қишлоқлар
Бахтиёр инсонлар ҳаётдан мамнун.
Байрам муборакдир ёшлик эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Сизга бободеҳқон асл миришкор,
Пойтахтдан йўллаймиз байрам саломни.
Сизга, техникага кўнгил боғлаган,
Қизлар, йигитлар-у табрик каломни.
Айтамиз юракдан, меҳнат эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Сизга Бухоронинг азаматларн,
Байрам саломни йўллаймиз янв.
Ордоқли, баҳодир қадрдонларим
Катта хирмонларда чиндан тантана.
Байрам муборакдир пахта эллари
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Ҳосил хирмонини тоғдай кўтарган,
Қешқадарёликлар, офарин сизга!
Чўлларда ундириб мўлу-кўл ҳосил,
Ташаккур бунёдкор қар ўғил-қизга.
Байрам муборакдир бўстон эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

Шоймардон Сурхони, гўзал Хоразм,
Тошкент, Самарқандда пахта баланд тог,
Қардош Қорақалпоқ, гўзал Сирдарё
Фарғона, Наманган, Андижон гулбог,
Байрам муборакдир қишлоқ эллари,
Оппоқ олтинидай тоза дилларн.

УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Она-Ватанга 4 миллион 665 минг тонна «оқ олтин» дурдоналари етказиб берилганлиги ҳақидаги қувончли хабар ҳамма ёққа яшин тезлигида тарқалди. Ҳамманинг дилдаги қувончини айтсангиз.

Республикамизнинг 4 миллион 665 минг тонналик улкан хирмонини бунёд этишга колхозимиз пахтакорлари ҳам муносиб улуш қўшдилар.

Етиштирилган мўл ҳосил дурдоналарини ўз вақтида йиғиб-териб олишда тошкентлик машинасозлар етказиб берган терим агрегатлари, прицеплар, турли механизмлар жонимизнинг роҳати бўлди. Бу серунум машиналар туфайли, терим сурътига-сурът, сифатига-сифат қўшилди. Мана, эндиликда, унинг самарасини кўриб турибмиз.

Ҳужалигимизнинг ўнлаб механик-ҳайдовчилари машинасозлар яратган «зангори нема»лар ёрдамида ҳар куни юзлаб тонна «оқ олтин» теріб эл хирмонига тўкдилар.

Колхозимизнинг П. Тўхтаев бошлиқ бригада далаларида машинасозларимиз яратган агрегатлардан бир нечаси теримга барака киритди. Бригадамиз пахтакорлари КПСС XXIV съезди шарафига муносиб армуғон тайёрлашди.

Биз шундай улуғ, қувончли кунларда оғиримизни енгил қилаётган, катта бойлигимиз — «оқ олтин»ни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда бизга мададкор бўлган машинасозларга қўлимизни юксакмизга қўйиб:

— Умрингиздан барака топинг. Шундай серунум агрегатлар яратаётган қўлларингиз асло толмасин,— деймиз.

А. ИКРОМОВ,
Тошкент область Урта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

ЭЛ ҚАТОРИ

Абразив комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам шаҳар меҳнаткашлари қаторида биринчилардан бўлиб 27 сентябрда пахтакорларга ёрдамга отланганди. С. Сейдаметов ва Г. Пак бошчилигида қирқ беш кишилик бригада тузилди. Улар Сирдарё область, Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозига боришди. Бу бригада учун махсус усти ёпиқ автомашина ажратилди. У ёрдамчилар хизматида бўлди.

Бир ойдан ортиқ вақт мобайнида корхона ишчилари совхоз пахтакорлари билан ёнмаён туриб меҳнат қилдилар. Ҳашарчилар ҳиммати туфайли, мавсумда олтмиш тоннага яқин «оқ олтин» терib, совхоз хирмонига тўкилди. Бу уларнинг улкан хирмонга қўшган муносиб ҳиссаси бўлди.



«ОҚ ОЛТИН» ТОҒЛАРИ ЮКСАЛМОҚДА.
А. Горокрик фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ПАХТА БАЙРАМИ

Пахта байрами — меҳнатни мадҳ этувчи қувончли шодиёна.

Бугун эрта тонгдан бошлаб серқуёш республикамизнинг барча шаҳар ва район марказларида, қишлоқларида карнай ва сурнайларнинг, қўш чилдирмаларнинг садолари янграйди. Ўзбекистон деҳқонларнинг ажойиб меҳнат ғалабасини, «оқ олтин» ҳосили байрамини нишонламоқда.

Бу йилги Пахта байрами, айниқса қувончлидир. Қишлоқ меҳнаткашлари Ленин юбилейи йилида жуда яхши меҳнат қилдилар. Улар етиштирган ҳосилдан 4 миллион 665 минг тонналик улкан хирмон уйилди. Ватанга шунча «оқ олтинни Ўзбекистон пахтакорлари бунга қадар ҳеч қачон тортиқ қилмаган эдилар. Пахта етиштириш бўйича беш йиллик топшириқ муддатидан илгари адо этилди, социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз колхозчиларининг, совхоз ишчиларининг, қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари ҳамда мутахассисларининг, партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг улкан меҳнати самарасидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг бу зафарларини жонажон Коммунистик партиянинг бўлажак XXIV съездига бағишлайдилар.

Пахта терими бу йил қисқа муддатда ва зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. «Зангори нема» капитанлари, шофёрлар, юз минглаб теримчилар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Колхоз ва совхоз меҳнаткашлари билан бир сафда туриб минглаб шаҳарликлар — ишчилар, хизматчилар, студентлар ҳам жонбозлик кўрсатдилар.. Корхоналар эса қишлоққа кўплаб техника етказиб бериб турди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари шундай амалга оширилмоқда. Урок ва Болға иттифоқи ана шундай мустаҳкамланмоқда.

Пахта — Ўзбекистоннинг миллий нефтисори, бизнинг умумхалқ мўлкўлчилигига қўшадиган асосий ҳиссамиз. Бу йилги зафаримиз билан биз мамлакатимиз қардош халқлари олдидаги интернационал бурчимизни шараф билан бажардик.

Анъана бўйича, Тошкентда шаҳар Ипподроми — байрам маркази бўлади. Шаҳримизга республикамизнинг барча областларидан пахтакорлар меҳмон бўлиб келишган. Эрта тонгдан бошлаб минглаб шаҳарликлар Ипподром томонга йўл олдилар. Бу ерда байрам савдоси уюштирилган, концертлар, моҳир чавандозларнинг мусобақалари бўлиб ўтди. Совет ишчиларининг меҳнатини мадҳ этувчи музика кун бўйи янгради.

ИЛҲОМ МАНБАИ

Деҳқонларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиб, мисли кўрилмаган, 4 миллион 665 минг тонналиккатта хирмон кўтарганликлари ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда қувондим. Қўлга киритилган бу ғалаба мўъжиза бўлиб кўринса ҳам аслида техника революцияси ва агротехника илмининг юксак даражаси, қишлоқ аҳлининг фидокорона меҳнати натижасида юз берган табиий бир ҳолдир.

Ўзбек деҳқонлари қадимдан оғир меҳнатларини енгиллаштиришган, жонларига оро киradиган сеҳрли кучлар ҳақида афсоналар тўқиб келган. Бугунги кунда бу орзулар пахта териш, кўрак чувиш машиналари, турли тракторлар тимсолида рўёбга чиқди. Ютуқларимизнинг ҳеч бирини уларнинг ёрдамисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Республикамизнинг фахри бўлган «оқ олтин» майдонларида эришилган бу ғалаба биз, ёзувчиларни янги, етук асарлар яратишга ундайди. Китобларимизнинг доимий қаҳрамонларидан бўлган фидокор, ватанпарвар, ўз ишига меҳр қўйган қишлоқ меҳнаткашлари олдида ҳамиша қарздормиз.

Назир САФАРОВ,
ёзувчи, Ҳамза мукофоти лауреати.

Юксалиш йиллари

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачиликнинг тараққий этиши ўзининг ажойиб тарихига эга.

1917 ЙИЛ. Республикада **икки юз эллик минг тонна** пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

1922 ЙИЛИ эса Ўзбекистон хирмонига тўкилган «оқ олтин» **544 минг** тоннани ташкил этди.

Ана шундан кейин орадан ўн йил ўтгач, республикамиз етиштирган ҳосил **804 минг** тоннани ташкил этди. 1932 йил яна шу билан характерлики, Ватанимиз чет элдан пахта сотиб олмайдиган ва ўзини ўзи таъминлайдиган бўлди.

1935 ЙИЛ. Ўзбекистон тарихида биринчи марта **бир миллион** тоннадан ортиқ пахта етиштирилди.

1950 ЙИЛ. Республика хирмонларига уюлган «оқ олтин» **2,3 миллион** тонна бўлди.

1966 ЙИЛ. Ўзбекистон пахтакорлари шу йили тарихда мисли кўрилмаган зафарга эришдилар. Шу йили **4 миллион 83 минг** тонна ҳосил дурдоналари йиғиштириб олинди. Шундай қилиб, гал энди бешинчи миллионга етиб келди.

1970 ЙИЛ. Саккизинчи беш йилликнинг охирги йили ўзбек пахтачилиги тараққиёти тарихида энг эсга оладиган йил бўлиб қолади. Республика пахта майдонларида «оқ олтин» дан мўл ҳосил йиғиштирилди, давлатга эса жуда катта миқдорда — **4 миллион 665 минг** тонна дурдоналар топширилди. Пахта йиғим-терими эса давом этяпти.

Дала механизаторларининг, республикамиз барча меҳнат аҳлининг кўлга киритган бу меҳнат зафарида республика машинасозлари ва биринчи навбатда Ўзбекистон пойтахти ишчиларининг кўшган улуши ниҳоятда салмоқлидир. Беш йилликнинг биргина ўтган тўрт йилу ўн ойи ичида мамлакатимизнинг пахтакор колхоз ва совхозлари тошкентликлардан:

● «Ташсельмаш» заводида тайёрланган 40 мингта пахта териш комбайнлари (икки қаторли ҳисобида);

● Ўзбек трактор йиғув ва тракторсозлик заводларида тайёрланган юз мингта пахтачиликка мослаштирилган «Т-28Х3» ва «Т-28Х4» маркали тракторлар;

● «Ўзбексельмаш» заводида тайёрланган 33 мингдан кўп сеялка, ўн икки мингта кўрак чувиш машинаси, ўн олти мингга яқин подбор терадиган машина, уч ярим мингдан ортиқ тупроққа гербицид ташлайдиган мосламаларни олдилар.

Пахтачиликни тараққий эттиришда «Ташхимсельмаш», экскаватор ремонти, экскаватор заводлари ва Ўзбекистон пойтахтидаги бошқа саноат корхоналарининг ҳам роли бениҳоя каттадир.

Муваффақиятларимиз — партия съездига!

Партия XXIV съездини муваффақиятли кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган Марказий универсал магазини коллективи 25 ноябрда чакана савдо оборотн беш йиллик планини муддатидан олдин бажарди. Бу вақт мобайнида товар обороти 60 процент ўсиб, бир юз йигирма миллион сўмни ташкил қилди. Фойда эса икки ҳисса кўпайди.

Айниқса, биринчи бўлиб беш йиллик планни бажарган галантерея бўлимининг коллективи намунали ишламоқда. Бу ерда йигирма бир совет савдоси аълочиси бор, ўн етти киши «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланган. Бу йил коллективга коммунистик меҳнат бўлими унвони берилди.

Савдо формаларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Аҳолининг эҳтиёжини ўрганиш учун харидорларнинг сиртқи конференцияси, кўргазмали савдо ташкил қилинмоқда. Яқинда, телевизорлар сотиш бўйича ўтказилган ярмарка қизиқарли бўлди. Бу телевизорларнинг энг оммавий маркаларини аниқлаш имконини берди.

Ҳамма ерда ҳам муваффақият одамларга боғлиқ. У. Ҳидоятова, В. Шубина, А. Гусева, А. Сатина ва бошқа сотувчилар ишда намуна кўрсатмоқдалар. Ёшларимиз энг яхши савдо ходимларига эргашиб, кекса авлоддан эстафетани қабул қилмоқдалар.

Марказий универмаг коллективи партиянинг навбатдаги XXIV съездини муваффақиятли кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнатда янги-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда.

К. АБАЙХОНОВ,
директор.
М. ГОГУЕВ,
партия ташкилотининг секретари.
Я. БОЙЧЕНКО,
бирлашган касаба союз комитетининг раиси.

ДЕҲҚОННИНГ ҚАНОТИ

Бу йил чинакам олтин куз бўлди. Қуёш чарақлабди, бободеҳқон эса ҳар бир соатни ғанимат билиб, пахтазорлардаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олди.

Сентябрь ойи бошида Узбекистон пойтахтида республика партия активи бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев активда сўзга чиқиб, Узбекистоннинг мамлакатда пахта етиштиришдаги етакчи ролини таъкидлади ва республика меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга пахта сотиш планини бажарибгина қолмай, балки қўшимча 300—400 минг тонна «оқ олтин» берадилар, деб умид билдирди.

Республиканинг барча меҳнаткашлари партия даъватига жавобан Узбекистоннинг катта пахта хирмонини ҳосил қилиш учун курашни кучайтириб юборишди.

Мана ниҳоят, деҳқонларнинг, республикадаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати, Урок ва Болғанинг улуғ иттифоқи туфайли кўзланган маррага етилди. Узбекистоннинг 4 миллион 665 минг тонналик хирмони кўкка виқор билан бўй чўзиб турибди. Бу катта хирмондаги ҳосилнинг бир ярим миллион тоннадан ортиғи машиналарда териб олинди. Бу жуда катта ғалабадир. Узбекистонда шу пайтгача бу қадар кўп пахта тайёрланмаган эди.

Республиканинг кўпгина областлари, районлари ва хўжаликлари бу йил асосан пахта териш машиналарига таянib иш тутиб, қисқа муддатда давлатга пахта сотиш планини ва партия съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятни ўринлатдилар.

Деҳқоннинг меҳнат муваффақиятида техника, ҳосилни машинада териб олиш ҳал қилувчи роль ўйнади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, таниқли механизатор Ш. Қудратов янги ғалабага эришди. У машина билан 700 тонна «оқ олтин» терди. «Комсомолобод» совхозидаги чўлқувар механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Худойназаров ва бошқаларнинг терган пахтаси ҳам шунча бўлди.

Бу йил республика механизаторлари сафи яна кенгайди — комбайн штурвалларига янги аёллар отряди ўтирди. Бу нарса агрегатларни бошқариш анча енгиллаштирилганлиги туфайли мумкин бўлди.

Машинани бошқаришдаги янгилик трактор заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари томонидан киритилган. Бу завод шу йил март ойидан бошлаб асосий энергетика агрегати—«Т-28Х4» тракторларини ялпи ишлаб чиқаришга киришди.

Ҳозир эса завод конвейерларидан қарийб ўн тўрт минг «пўлат от» тушди. Бу машиналар мамлакатнинг пахта экадиган колхозлари ва совхозлари далаларида бетиним ишлади. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, тракторсозлар пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун 30 мингтадан ортиқ трактор прицеплари ишлаб чиқардилар.

Фақат шу йилнинг ўн ойи мобайнида «Ташсельмаш» заводи қишлоққа беш мингта «зангори кема» юборди. Булар асосан тўрт қаторли «Узбекистон» ва икки қаторли «17ХВ-1,8» комбайнларидир. Бу машиналар ҳозир пахтазорларда ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. «Узбексельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган подбор терадиган ва кўрак чувийдиган машиналар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Пахта терадиган машиналар ҳақида гапирганда «Узбексельмаш» заводи ишчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган пахта сеялкаларини ҳамда тупроққа гербецид юборадиган мосламаларни, «Ташхимсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган чанглагич ва пуркагичларни ҳам айтиб ўтиш керак. Бу машиналар чигит экиш ва ғўзани парваришлашда муҳим роль ўйнади.

Бундан ташқари, шу йилнинг фақат тўққиз ойи ичида Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари қишлоққа 6,1 миллион сўмлик ёки планга қўшимча 923 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юбордилар. Колхоз ва совхозларга деталь ва узеллар ўз вақтида етказиб берилганлиги пахта йиғим-теримида ишлаётган машина ва механизмларни тез ва соз ремонт қилиш имконини берди.

Бу йил машинасозлар ва деҳқонлар ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди. Пахта йиғим-терими мавсумида «Главхлопкомаш»нинг ҳамма корхоналари қишлоққа мутахассислар юборишди. Улар жойларда техникадан самарали фойдаланишда деҳқонларга ёрдам беришди. Қишлоққа машиналарни ремонт қиладиган ўнлаб кўчма устахоналар юборилди. Оталиқдаги колхоз ва совхозларга ишчи коллективлари катта ёрдам бердилар.

Шундай қилиб, катта социалистик мажбурият бажарилди. Деҳқонлар баҳорга шайланмоқдалар, келаси йилнинг мўл ҳосилига замин тайёрламоқдалар. Шундай бўлгач, табиийки, пахтачиликни комплекс механизациялаш, янги, янада самаралироқ ишлайдиган машиналар яратиш истиқболлари кўпчиликни қизиқтиради.

Яқин йиллардаги истиқболлар ҳақида гапирганда, пахтачилик машиналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг етакчи ролини таъкидламасдан иложимиз йўқ. ГСКБнинг бутун фаолияти пахтачиликни тўла механизациялаш имконини берадиган машиналар яратишга қаратилган. Фақат беш йиллик мобайнида ГСКБ йигирма иккита машина яратди, улардан ўн олтитаси ишлаб чиқаришга жорий этилган, бештаси жорий этилиш арафасидадир. Ўтган беш йил мобайнида асосан «Т-28Х4» ва «Т-28Х3» тракторларига осиб ишлатиладиган 60 ва 90 сантиметрли кенгликдаги эгатларга мўлжалланган, «МТЗ-50Х» тракторига осиб ишлатиладиган 90 сантиметр кенгликдаги эгатларга мўлжалланган пахта териш машиналари яратиш бўйича ишлар асосан тугалланди.

Қишлоқ хўжалигида ғўзага ишлов берадиган янги машиналар комплекси жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини уч-тўрт баравар ошириш, ҳар бир центнер пахта учун сарфланиладиган меҳнатни камайтириш имконини беради.

Шу сабабли ҳам янги беш йилликда конструкторлар, инженерлар ва саноат корхоналарининг ишчилари олдида янги вазифалар кўндаланг бўладн.

1970—73 йилларда ўн иккита янги машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси турибди. «Ташсельмаш», «ХН-3,6» — кенг эгатларга мўлжалланган тўрт қаторли пахта териш комбайнларини тайёрлашга киришади. Бундан ташқари «27ХВ2» ҳам ялпи ишлаб чиқарила бошланади.

Келаси йилдан «Ташхимсельмаш», «ОВХ14» маркали чанглагич-пуркагичларни тайёрлай бошлайди. 1971 йилда кенг ва тор эгатларга мўлжалланган подбор терадиган тўрт қаторли машиналарнинг биринчи партиясини ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахтакорни техника билан янада яхшироқ қуроллантириш имконини беради, дала ишларини кам маблағ сарфлаб тез ва соз бажариш имконини беради.

Эндиликда машинасозлик саноатида муҳим вазифаларни бажариш учун ҳамма шарт-шароит бор. Машинасозлар янги қишлоқ хўжалиги техникасини яратиш ва уни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун етарли малакали кадрларга эга. Машинасозлар ва ГСКБ конструкторлари пахтакор деҳқон меҳнатини енгиллаштириш йўлида қўлдан келган ҳамма тадбирларини кўрадилар. Улар янги, юқори унумли машиналар яратиб, мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. ТАРАНОВСКИЙ.
«Главхлопкомаш» бошлиғининг ўринбосари.



Мана бу суратда Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг кўп минг килограммчи чевар теримчиларидан (чапдан ўнгга) Гуландоз Серкабоевалар кўриб турибсиз. Зарифа Умарова, Ҳабиба Мирзабекова ва А. Абалин фотоси.

ҚИЗЛАР ҲИММАТИ

Федор Иванович Стреляевга 41 та қизни бириктириб қўйишди. Бригада ҳам «Қизлар бригадаси» деб атала бошланди. У меҳнатда ҳам, интизомда ҳам барчага намуна эди. Пахта йиғим-теримида эса илғорликни қўлдан бериш-мади.

— Мен газета орқали ана шу бригаданинг энг яхши теримчилари бўлмиш А. Берлевская, Р. Михайлова, Л. Чудна ўртоқларга самимий миннатдорчилик ҳисларини билдираман, — деди телефон орқали Сирдарё областидаги Максим Горький номли совхоз бош инженери Б. Ҳамраев.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Тошкент электротехника заводи коллективи пахта йиғим-терими даврида дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам берди. Улар 1 октябрь куни колхозга келишди. 130 дан ортиқ ҳашарчи ҳар куни хирмонга икки тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкди, Мавсумда уларнинг терган пахтаси 70 тоннадан ошиб кетди.

Завод ишчилари ўз оталиқларидаги колхозга яқиндан ёрдам бериб, дала меҳнаткашларининг муҳаббатини қозондилар.

ТЕХНИКА ШАЙ БЎЛСИН

Подшипник ремонти заводининг коллективи деҳқонлар билан дўстликни йилдан-йил мустаҳкамлаб бормоқда. Завод партия ташкилоти Бўка районидаги Тимирязев номли колхозга кўрсатиладиган ёрдам режаларини тузиб чиққан эди. Корхона директори В. Ванюшин билан партия ташкилотининг секретари Л. Халилов ўртоқлар коллектив хўжаликда бўлиб, унинг раҳбарлари билан қандай ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида гаплашиб олдилар.

Шундан кейин, завод колхозга кўп миқдорда эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуна ва пахта етказиб берди.

Завод меҳнат аҳли бу йил Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик ходимларига катта ёрдам берди. Бу билан, Узбекистоннинг 4 миллион 665 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятини бажаришида муносиб ҳисса қўшилди.

Бундай шарафли вазифани адо этишда подшипникларни қайта тиклаш участкасининг катта мастери А. Улимбеков, йўнувчи И. Фирш, комплектловчи К. Михалева каби ишлаб чиқариш илғорлари айниқса жонбозлик кўрсатдилар.

А. ГУБАЙДУЛИН.

Ўрок ва Болға иттифоқи

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Йил сайин Тошкент трактор заводи кенгайиб боряпти. Унинг территорияси қанчалик кенгайиб борган сайин, заводга қўшни колхозларнинг пахта майдонлари шунчалик яқинлашиб қоляпти.

Бу қўшничилик рамзий маънога эгадир. Чунки тракторсозлар билан дала меҳнаткашлари бир-бирлари билан ҳамкорликда иш олиб борганларидагина яхши натижани қўлга киритиш мумкин. Корхона коллективи Узбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг қишлоқ хўжалигини кучли, ишончли техника билан қуроллантиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини ҳам ана шуни тақозо этади.

Пахта йиғим-терими даврида тракторлар, прицеплар, ярим прицеплар «оқ олтин» далаларида ҳайқириб ишлади.

Йил бошидан бери, завод пахта майдонларига 50 от кучига эга бўлган «Т—28Х4» тракторларидан 14 мингга яқинини жўнатди. Корхона тамғаси тушириган барча машиналар мунтазам равишда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб турилди.

Тракторсозлар қишлоқ меҳнаткашларининг энг яқин мададкорлари бўлиш учун курашиб, КПСС XXIV съезди шарафига эришган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун имкониятларни ишга солди. Коллектив аъзолари товар маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини шу йили 1965 йилга таққослаганда 3,26 бараварга, реализация ҳажмини эса уч бараварга оширишди.

Машинасозлар йил охиригача план-дан ташқари, 1 миллион 470 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган. Бу—дала меҳнаткашлари планга қўшимча 450 та прицеп, 150 та трактор, 30 та ярим прицеп олишлари, деган сўздир. Яна планга қўшимча равишда далаларда ишлаётган машиналар учун 20 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарилди.

Тошкент тракторсозлари машиналар тайёрлаш билан чегараланиб қолмасдан, Тошкент ва Сирдарё областларидаги турли хўжаликлар билан яхши ва мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Улар Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхози билан яқиндан алоқа ўрнатиб, дала меҳнаткашларининг энг яқин маслаҳатчилари, мададкорлари бўлиб қолганлар. Колхозчилар ҳам ўз навбатида, ишчиларга ёз неъматларини тортиқ қилдилар.

Шу йилнинг баҳоридан бошлаб, корхона Бекобод районидаги «1-Дарвазин» совхозига оталиқ ёрдами кўрсата бошлади. Тракторсозлар совхоз механизаторларига 10 мингинчи тракторнинг калитини топширдилар. Завод хизматчилари совхоз ишчиларининг тез-тез ҳурматли меҳмони бўлиб туришди. Улар қишлоқ хўжалик техникасини ремонтдан чиқариш, чорвачилик фермасини механизациялашда яқиндан ёрдам бердилар.

Ишчилар йиғим-терим авж олган кунларда дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бердилар. Улар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози далаларида меҳнат қилдилар.

— Тракторсозлар орасида,— дейди завод касаба союз комитетининг раиси Э. Жамилов,— пахта йиғим-терими даврида биз Л. Кабризина, Л. Брязгалова, Л. Ким, Р. Мусина, Т. Султоновалар-нинг номини фахр билан тилга оламиз.

СИРДАРЁ ХИРМОНИГА



Асбобсозлик заводи коллективи бу йил Сирдарё далаларидаги «оқ олтин»ни йиғиштириб олишда иштирок этди.

Корхона ишчи-хизматчилари Гулистон районидаги «Социализм» совхозида бир ойдан ортиқ бўлиб, пахта йиғим-теримида ёрдамлашдилар. Улар Сирдарё областининг хирмонига олтмиш тонна пахта тўкдилар. Завод технологи С. Пўлатовнинг ўзи «зангори кема»да йигирма тонна пахта терди.

— Республика меҳнаткашлари партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажарган бугунги пахта байрами шодиёнасида ҳар биримизнинг кўнглимиз қувончга тўлди, — дейди завод партия ташкилотининг секретари Ў. Тошматов. — Сирдарё область пахтакорларига мадад берганлигимиздан фахрланамиз.

Машинасозлар кўмаги

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг 250 кишилик коллективи Сирдарё область, Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозида «оқ олтин» теришди. Оталиқдаги совхозга улар биринчилар қатори йўл олган эдилар. Шаҳарлик ҳашарчилар ўртасида механизаторлар меҳнати салмоқли бўлди. Айниқса, 2-механика цехининг токари Эркин Наримонов, механизаторлар ўртасида етакчи бўлди.

Тошкент Политехника институти кечки бўлимининг студенти имтиҳонларини топширгач, пахта териш машинасини бошқариш ҳақида гувоҳнома олиб далага йўл олди.

Заводда меҳнат зарбдори бўлган йигит бу ерда ҳам вақт билан ҳисоблашмай ишлади. Ҳар куни «пўлат этак»дан 2-3 тоннадан «оқ олтин» қуйилаётган бункерни кўрган механизатор ҳаяжонланиб кетди. Кеча-си йил етиштириладиган мўл ҳосилга замин тайёрланмоқда.



Ш. Хачатурян бошқа суратида темирчилик-пресслаш цехининг наряд чиси Роза Бабичукни тасвирлаган. Бу комсомол қизнинг номи пахта далаларининг зарбдор теримчилари учун чиқариладиган «Молния» варақаларида тез-тез учраб турди. Цех комсомол комитетининг аъзоси меҳнатда пешқадамлик кўрсатиб, ҳар куни 100—200 килограммдан пахта терди.

Шу цехнинг технологи Светлана Новоротова, дурадгор Б. Аҳмедов, термик цехининг контролёри Н. Полякова, инженер-технолог В. Сохнов ва бошқалар ҳам Розанинг издошлари бўлишди. Совхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини ва мажбуриятини ошириб бажаришида шоферларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Совхозда кузги шудгорлаш ишлари бошланиб кетди. Келаси йил ҳосилга замин тайёрланмоқда.

Комбайн штурвалини бошқарган механизаторни заводнинг ҳаваскор фотографи Ш. Хачатурян далада суратга олибди.

Муносиб ҳисса

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг студентлари пахта йиғим-терими даврида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бугун пахта байрами шодиёнасида биз қалби олов ёшларнинг меҳнатига тасаннолар айтамиз. Студентлар орасида ўнлаб тонна пахта терганларни кўплаб учратасиз. Ҳаммадан ҳам, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг 4-курс студенти Расул Тоғаев унумли меҳнат қилди. У мавсумда 115 тоннадан ортиқ «оқ олтин» терди. Унинг изидан борган Хўжааҳмедов, Исроилов, Эшматов, Каримов, Шодиметов, Йўлдошев, Раупов синглари кўплаб студентларнинг терган пахтаси 60—80 тоннадан ошди.

«Оқ олтин» учун бошланган умумхалқ курашида институтнинг лобар қизлари ҳам ғайрат кўрсатишди. 4-курс студенти Гулсара Темирова 80 тоннадан ошириб, Лутфиниса Жўраева 70 тонна пахта тердилар.

Институт механика факультетлари нинг студентлари Сирдарё областининг совхозларида биргина пахта йиғим-теримда қатнашибгина қолмай, балки йиғим техникаси агрегатларини ремонтдан чиқариш ва мавсумга тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Шу давр ичида улар 265 та пахта териш машинасини ремонтдан чиқардилар. Ўн тўққизта трактор, етмиш бешта прицеп, ўн тўққизта кўрак чувиш машинаси, кўплаб кўрак йиғадиган машиналар ремонти сифатли адо этилди.

Ремонт ишларида ва пахтани машинада теришда актив иштирок этган студент-механизаторлардан катта бир группаси Сирдарё область комсомол комитетининг ёрлиқлари билан тақдирланди.

Институтнинг тажриба-ўқув хўжалиги майдонида мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга 2655 тонна пахта етказиб берилди. Бу 1969 йилнинг шу давридагига қарағанда 1236 тонна кўпдир. Ҳар гектардан олинадиган ҳосилдорлик 4,3 процентга кўпайди. Етиштирилган ҳосилнинг 2359 тоннаси ёки 88,9 процента биринчи сортларга топширилди.

Институтнинг аҳил коллективи мавсумда ҳаммаси бўлиб 19100 тонна пахта териб берди. Илғор теримчилар Сирдарё область комсомол комитетининг ва район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Транспортёрлар тиним билмади

«Оқ олтин»ни қабул қилиш пунктларида меҳнат авжига чиқди. Пайкаллардан терилган кумуш толалар пешма-пеш қабул қилинди. Республиканинг улкан ғалабаси —4665 минг тонналик пахта қабул пунктларида савлат тўкиб турибди.

Чўлқуварлар областининг Пахтаорол районидаги 1-совхози қошида ҳам пахта қабул қилиш пункти бор. Пунктнинг намунали ишлашида «Главстройиндустрия»га қарашли 1-ремонт-механика заводи мутахассислари яқиндан ёрдам берадилар. Пахта терими мавсумида пункт механизацияси ва қурилмаларининг пухта ишлашини таъминладилар.

...«Оқ олтин» оқиб келиб турди. Бу ерда эса транспортёрлар бир зум ҳам тўхтамай, хирмонлар барпо қилди.

Биринчилар қаторида

Тошкент пластмасса буюмлари заводи коллективи пахтакорларга биринчилар қатори ёрдамга отланган эди. Улар Сирдарё область «Ленинизм» колхозида ҳалол меҳнат қилдилар. Колхознинг пахта йиғим-терими-да эришган зафарида тошкентлик ишчиларнинг ҳам муносиб улуши бор.


Корхона ишчиларидан уч киши колхоз устахонасида ремонт ишлари билан шуғулланишди. Уларнинг ҳаракати туфайли, пахта териш машиналари яхши ишлади.



РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ 4665000 тонналик «оқ олтин» хирмони кўкка бўй чўзди.

СУРАТДА: чапдан—Тошкент область, Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозининг Исмат Беркинбоев бошлиқ илғор бригадасида пахтани саралаш; ўнгда — Қашқадарё область Қарши районидаги Муғлан пахта тайёрлаш пунктида.

М. Нуриддинов ва А. Тўраев фотолари.



Ҳар бир ишда кўмакдошмиз

Заводимиз коллективи Сирдарё область ,Ғтгисой районидаги «Қизил юлдуз» совхозини ўз оталиқларига олганлар. Хўжалик пахтакорларига амалий ёрдам бериб турибмиз. Юбилей йили мўл-кўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатилди.

Совхознинг ишдан чиққан тўртта «ГАЗ-51» автомобилини сифатли ремонт қилиб бердик. Ремонт учун сарфланган икки минг беш юз сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам завод ҳисобида бўлди. Йиғим-теримда банд бўлган техника воситаларининг жорий ремонти учун завод беш минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юборди. Совхоз далаларида жавлон уриб, пахта терган «зангори кема»ларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида биз махсус жиҳозланган битта автомобиль-устахона ажратдик. Икки нафар ремонтчимиз билан машина-устахона пахта терими мавсумида совхозда бўлди.

Заводимизнинг иккита механик ҳайдовчиси эса совхоз «зангори кема»ларини бошқариб, пахта териб беришди.

Ишчиларимиздан эллик нафар киши совхоз пахтакорлари билан ёнма-ён туриб, пахта теришди. Ўз вақтида кўрсатган ёрдаммиз туфайли совхоз пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Совхоз ишчиларини эришган меҳнат ғалабаларида заводимиз коллективининг ҳам ҳиссаси қўшилганидан бехад хурсандмиз.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXIV съезди ўтадиган келгуси йил мўл пахта ҳосилига ҳозирданоқ мустаҳкам замин тайёрлаш керак. Бу муҳим ишга ҳам коллективимиз лойиқ ҳисса қўшишни ўзларининг бурчлари деб қарамоқдалар. Ҳозирги вақтда совхоздаги ҳайдов тракторларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун ремонт устахонамиз ўрнатилган машина хўжалик ихтиёрида. Шунинг дек, биз минерал ўғит, уруғлик чигитларни ташиб беришда ҳам кўмаклашамиз.

Шаҳримиздаги Октябрь революцияси номли завод, электрон-техника заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти ва ўсимлик моддалар химияси институти комсомолларининг пахта далаларида қолган ҳосилни тезроқ териб олишда пахтакорларга ёрдам беришга даъват этувчи мурожаат қабул қилган эдилар. Бу мурожаатни заводимиз комсомол-ёшлари ҳам қизғин кутиб олдилар.

Улар ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, деҳқонларнинг етиштирган дурдонасининг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олишда ёшлардан ўттиз киши актив қатнашди.

Ф. КАРИМОВ,
10-авторемонт заводи партия ташкилотининг секретари.

Ё Ш БУНЁДКОРЛАР— ДЕҲҚОНЛАРГА

Октябрь революцияси номли завод, электрон-техника заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти ва ўсимлик моддалар химияси институти комсомолларининг Тошкент шаҳрининг барча комсомол ва ёшларига қарата қабул қилган мурожаатларини қўллаб-қувватлаган 159-қурилиш трестининг 22-қурилиш бошқармаси ёш қурувчиларидан иборат тузилган зарбдор бригада Сирдарё область Пахтакор районидаги 29-совхозда пахта теримида актив иштирок этдилар.

Ёш бунёдкорлар кўриқ ердаги 29-совхоз далаларида қолган «оқ олтин» дурдоналарининг бир мисқолини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймай, йиғиб-териб олишда деҳқонларга ёрдам беришди.

Т. НАЖМИЙ.

ОЛАМ МУНАВВАР

Бизнинг интервью

СЕРҚУЕШ Ўзбекистонимизда катта тўйнинг файзи ва довруғи кезиб юрибди. Ҳамманинг тилида, дилида миллий ифтихоримиз бўлган «оқ олтин» дурдонасининг шуҳрати мадҳ этилмоқда.

Ҳа, республикамизнинг мириштор деҳқонлари бу йил ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки, улар пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган катта ғалабани қўлга киритдилар. Уларнинг тер тўкиб қилган шарафли меҳнати ўзининг файз ва баракасини кўрсатди.

Республикамизнинг асл пахтакорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIV съездига ўзларининг муносиб совғаларини ҳозирладилар. Азаматларимиз она-Ватан хазинасига 4 миллион 665 минг тонна пахта топширилганлиги ҳақида ғалаба рапортини бердилар.

Республикада бундай улкан пахта ҳосили етиштирилиши муносабати билан, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Карим Қодировнч Уркинбоев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Ҳа, чиндан ҳам тилларда достон бўладиган буюк жасоратнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Қишлоқ хўжалик ходимлари она-Ватанимиз кучига-куч, қудратига-қудрат қўшадиган довон ошдилар. Чигитни ерга қадаб, уни парваришлаб то ҳосилини йиғиштириб олингунгача бўлган ишларни таърифлаш қийин. Бу ишда азамат пахтакор билан унинг шаҳарлик биродори — машинасозлар, техника соҳиблари бир сафда турдилар.

Мўл-кўл пахта ҳосилини етиштиришда, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона областларининг минглаб хўжаликлари ўзларининг куч ва маҳоратларини намойиш этдилар. Минглаб пахта усталари ҳосил етиштиришда рекорд қўйдилар.

Ифтихор ҳосилини йиғиб-териб олишда «пўлат от»ларнинг чавандозлари пахта майдонида жавлон урдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг номи оламга таралди. У тўрт қаторли «зангори кема» бункеридан 700 тонна пахта тўкди. Ажойиб механизатор А. Худойназаров ҳам машинада терган шунча пахта билан ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатди. Механизаторлардан яна бири С. Зайниевнинг номи фахрли ўринни эгаллайди. Унинг ҳисобига 550 тонна пахта ёзилган. Шунингдек, Т. Дадажонов 540 тонна, Х. Полвонов 465 тонна, М. Юсупов 425 тоннадан пахта териш шарафига муяссар бўлдилар. Улар ўзларининг бу жасоратлари билан пахтачиликни механизациялашда яна бир шонли қадам қўйдилар.

Йиғим-теримда Тошкент шаҳрининг минг-минглаб ишчи ва хизматчилари пахтакор дўстларининг оғирини енгил қилиш учун далаларга бел боғлаб чиқдилар. Пойтахт ҳашарчилари Тошкент ва Сирдарё областларининг бепоён далаларида 110 минг тоннадан ортиқ ҳосил териб бердилар. Бу жуда катта гап. Бугунги кунда пахтакорлар шаҳарлик ҳашарчиларга «баракалла, ишчилар синфи» демоқдалар. Пойтахтдаги барча олий ўқув юртлари ва йирик корхоналар ҳамда муассасаларнинг коллективлари пахта теримида қатнашиб, ватанпарварлик бурчларини адо этдилар.

Ҳа, пахтамизнинг довруғи бутун оламга танилмоқда. Шу йили қардош Германия Демократик Республикасининг журналисти Хорст Гольдшмидт Ўзбекистон пахта далалари билан танишиш учун келди. У сафар таассуротлари ҳақида ўз газетасига мана бундай деб ёзибди: «Далалардаги ҳосилга қараб кўз қувонади. Ўзбек пахтаси Совет Иттифоқининг 60 процент эҳтиёжини қондирибгина қолмай, қимматбаҳо экспорт хом ашёсидир. Уни экспорт қилиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. ЧССР, Польша, Венгрия, Куба, Япония, Италия, Финляндия, Югославия ва бизнинг республикамиздаги тўқимачилик фабрикаларнинг дастгоҳлари Ўзбекистондан келтирилган пахта билан ишлайди».

Ўзбекистон пахтакорлари айни пайтда «оқ олтин» дурдонаси тайёрлаш бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Бу йиллар мобайнида пахтачилик ривожланди, тараққий этди, янги ерлар очилади, тажрибалар ошди. Беш йил мобайнида Ватан омборига тўкилган бебаҳо хазина 20 миллион 664 минг тоннадан ошди. Бу плагга қўшимча равишда 1 миллион тоннадан ортиқ пахта кўп тайёрланди демак. Бу олдинги беш йилликка қараганда, республикамизда 3 миллион 100 минг тонна пахта кўп етиштирилганлигини кўрсатади. Бундай катта ва мислсиз зафарни қўлга киритиш учун пахтачиликни тубдан ривожлантиришга доир улуғвор ишлар олиб борилди. Бир қатор янги сув омборлари, каналлар, коллекторлар, гидроузеллар, насос станциялари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди. Ана шундай буюк бурилишлар ҳисобига 200 минг гектар майдондаги янги ерларни суғориш имконияти яратилди, 300 минг гектардан ортиқ майдонда суғориш ишлари яхшиланди.

Шаҳар—қишлоққа

ВАЪДАГА ВАФОДОРЛАР

Бу йил республикамиз деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил етиштириб, совет пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган улкан ғалабани қўлга киритдилар.

Мана шу миллион-миллион тонна «оқ олтин»ни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиб-териб олишда, айниқса бизнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг ишчилари ишлаб чиқараётган замонавий пахта териш машиналарининг хизмати каттадир. Биз деҳқоннинг қўл меҳнатини енгиллаштиришда ёрдам бераётганлигимиздан фахрланамиз.

Шунинг учун ишчиларимиз йил сайин пахтакор хўжаликларга янги-янги машиналар ва кўплаб эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар.

Бундан икки ой илгари корхонамизнинг 15-механика цехи ишчи-хизматчилари ҳамда цех инженер-техник ходимлари йил охиригача пландан ташқари 100 минг дона шпиндель ишлаб чиқаришга ахд қилган эдилар. Бу билан улар пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишга катта ҳисса қўшдилар. Цехнинг сўзи билан иши бир аҳил коллективи берган ваъдаларининг устидан чиқиб, муддатидан анча илгари 100 мингта шпинделни Ватан пахтакорларига армуғон қилишди.

Ана шу улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритишда цехнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мустақим Юсупов, Наталья Удалова, фрезерчи В. Кучиренко, Т. Аулбеков ва А. Абдулазизов каби ўнлаб пешқадам ишчилари барчага намуна бўлдилар.

Шу кунларда цех коллективи КПССнинг XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юборди.

М. МЎИДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводининг слесари, коммунистик меҳнат зарбдори.





СУРАТЛАРДА: (юқорида) Косон районидаги «Москва» совхози далаларида; (ўнгда) «Главташкентстрой» материал фондлари бўлимининг ходимлари Т. Куприянова ва Г. Мотовилова пахта теримида.

А. Тўраев ва И. Шоннғомов фотолари.

* * *

ВАРШАВАДА ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги марказий партия мактабида халқаро ишчилар ҳаракатининг идеологияси ва сиёсати актуал проблемаларига бағишланган халқаро симпозиум очилди. Симпозиумни КПСС Марказий Комитети, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабларининг халқаро ишчилар ҳаракати кафедралари уюштирди. Симпозиумда Варшава, Москва, Берлин университетларининг илмий ходимлари, сиёсий арбоблар ва журналистлар ҳам қатнашмоқда.

Я. Голембевский Ғарб мамлакатларидаги ишчилар синфининг сиёсий ташкилотлари тўғрисида доклад қилди.

Жаҳон ойнаси

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

НУАКШОТ. (ТАСС). Мавритания президенти Моктар Ульд Дадда республика эълон қилинган кунининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган миллий йиғилишда қуйидагиларни айтди: «Барча соҳаларда миллий, суверенитетни янада мустаҳкамлаш — мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифадир».

Президент «Эр-мортани» миллий авиакомпанияси фаолиятининг ижобий натижаларини уқдириб ўтди. Шу муносабат билан у, «ИЛ-18» самолётининг мавританияликлардан иборат биринчи экипажи Совет Иттифоқида тайёрланганлигини айтди.

Мавритания, — деди президент, — Гвинея (Бисау), Ангола, Мозамбик халқларининг португалиялик мустамлакачиларга қарши олиб бораётган кураши билан бирдам эканлигини, Исроил агрессиясига дучор бўлган араб халқларининг кураши билан бирдам эканлигини, кўп йиллардан буён Америка империализмига қарши жанг қилаётган Вьетнам халқи билан бирдам эканлигини изҳор қилади.

Мавритания президенти Моктар Ульд Дадда Мавританиянинг Совет Иттифоқи билан ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар билан алоқалари тобора ривожланаётганлигини мамнуният билан қайд қилди.



ПРАГА. Бу йил Чехословакиянинг 45 минг ёш граждани биринчи марта мактаб остонасига қадам қўйди. Республиканинг кўпгина районларида ўқув йили янги мактаб бинолларида бошланди.

СУРАТДА: Враждов Лхошице мактаби.

(Марказий Чехия)даги янги қишлоқ ЧТК — ТАСС фотоси.

Сурия Федерацияга қўшилди

ҚОҲИРА. (ТАСС). Сурия ўч Араб мамлакати — Бирлашган Араб Республикаси, Ливия ва Судан Федерациясига қўшилди. Қўшма раҳбарлик ҳайъати тузилди. Бу раҳбарлик ҳайъатига ана шу тўрт давлат раҳбарлари кирди. МЕН агентлиги хабар беради: Сурия бош министри Ҳафиз Асад бошчилигида Қоҳирада меҳмон бўлган Сурия делегацияси билан президент Анвар Садат бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикаси делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда шу тўғрида гапирилади.

Ахборотда таъкидлаб ўтилганидек, Бирлашган Араб Республикаси президенти Анвар Садат, Судан Революцион кенгашининг раиси Жаъфар Нумайрий, Ливия Революцион кенгашининг раиси Муамар Каддафий ва Сурия бош министри Ҳафиз Асад бевосита учрашган вақтларида Сурияниинг Федерацияга қўшилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Р. ҲАМЗАТОВ ЕН ДАФТАРИДАН

АБУТОЛИБ СЎЗЛАЙДИ

Бир ёзувчининг ҳамиша костюми доғ-дуғ бўлиб юрарди. Одамлар унинг хотини эътиборсиз бўлса керак, деб гап юрита бошлашди.

Абутолиб деди:

— Хотини эрталабданоқ унинг чўнтакларини тозалаб олади. Костюмнинг ўзини тозалашга вақти бор дейсизми!

* * *

Мен Доғистоннинг ҳамма мусиқа асбобларини: зурнани ҳам, найни ҳам, қумузни ҳам, лапни ҳам, чилдирмани ҳам чала биладиган Абутолибдан нима учун чаган чалмаслигини сўрадим. Ахир, чаган тоғликларнинг энг севимли асбоби-ку. Абутолиб ҳикоя қила кетди:

— Ёшлигимда чаган ҳам чалардим, кейин чалмай қўйишга тўғри келди. Воқеа бундай бўлган эди. Бир куни овулимизга бегона киши кўчиб келди. У Аваристондан, қонли қасосдан қочиб келган эди. У албатта овулнинг бир бурчига, четроққа жойлашди, қаттиқ азоб чекаётгани шундоққина билиниб турарди. Одамлар унинг ёнига боришмас, у ҳам ҳеч кимникига келмасди. Шу тариқа танҳолиқда яшайверди. Мен ўша пайтларда аварчани сал-пал билардим. Бечорани бориб кўргим, ҳам кўнглини кўтариб, таскин бермоқчи бўлдим. Борсам, боёқиш бир тутам похол ёнаётган ўчоқ бошида ўтирибди. Мен чаган чалиб, бир неча қўшиқ айтдим. Авар эшитиб ўтирди. Кейин тўсатдан асбобимни олиб, ўзи билган оҳангга солиб, чала кетди. У шундай чалдики, ҳалигача унинг куйларини унута олмайман. Чаган унинг қўлида аламдийда аёлдек нола қиларди. Бу куйда ғусса ҳам, муҳаббат ҳам, илтимос, кўз ёши ҳам, қайғу-умид, фарёди — ҳамма-ҳаммаси мужассам эди. Олов ўчиб қолаёзган, биз эса ҳамон иккаламиз ўтириб, чаган куйлари остида йиғлашар эдик. Мен унга ўз асбобимни қолдириб, уйга қайтдим. Куйган тоғликнинг куйлари анча вақтгача қулоғим остидан кетмади. Унинг ажойиб мусиқасини олисдан бўлса ҳам эшитиш ниятида мен тез-тез унинг чайласи атрофида тентир эдим. Охири шундай қилдим: мен унинг Аваристонига бориб, хундорларини излаб топдим ва овулимизга олиб келдим. Уларни қочоқнинг чайласига олиб бориб, унинг куйларини тинглашга мажбур қилдим. Биз уч кун чайла ёнига бориб, кўй тингладик. Тўртинчи куни остона ҳатлаб, ичкари кирдик.

— Биз сенинг гуноҳингдан ўтдик,— дейишди улар,— тайёрлан, биз билан уйга қайтасан.

Мана, мусиқанинг жозибаси қандай бўлади. Кетатуриб у чаганинми қайтиб бермоқчи бўлди, мен олмадим. Мен ҳеч қачон унингдек чала олмаслигимни билардим. Мусиқа ҳам худди шеърга ўхшайди, чалсанг дурустроқ чал, йўқса, чалмаёқ қўя қол. Мана шунинг учун шу пайтгача чаган чалмайман.

* * *

Репетицияда Татам Муродов куйларди. Унинг овози камдан-кам учрайдиган овозлардан бўлиб, ёши элликка етган бўлса ҳам, мусиқа соҳасида ҳеч бир билимга эга эмас эди. Репетицияда Большой театрдан машҳур қўшиқчи аёл ҳам иштирок этарди. Биз унинг чўзларида ёш томчиларини кўриб қолдик. Татам Муродов ҳам москвалик хонандага таъсир қилолганидан қаяжонланиб кетди. Бироқ машҳур хонанда танаффус пайтида бундай деб қолди:

— Мен ачинганимдан йиғлаяпман. Шундай хушовоз киши ўқий олмаганни учун йиғладим. Агар, аввал бошданоқ, ёшлигида яхши тарбиячилар қўлида таълим олганида, ҳозир у билан бутун жаҳон фахрланган бўларди.

Бу гапни эшитиб, Абутолиб деди:

— Сиз фақат биргина Татам Муродов ҳақида эмас, бошқа Доғистон қўшиқчилари, Доғистон шоирлари тўғрисида ва Доғистон санъати тўғрисида гапиряпсиз. Сиз бутун Доғистон тўғрисида гапиряпсиз. Азалдан у билим олиш имкониятига эга бўлганида эди, дунёга қанчадан-қанча ноёб нарсалар берган бўлар эди!

Т. Чўттиев таржимаси.

Билиб қўйган яхши

ЖИЛВАЛИ ҒАЗМОЛ

Банорас матоси тўқилиши ва пишиқлиги жиҳатидан бекасамга ўхшаган газламадир. Бу газлама Банорас шаҳри номи билан аталади. У бекасамдан фақат гуллари билан фарқ қилади. Банорас, асосан кумушранг, оқ тусли бўлиб, уни зўрга кўринадиган қора йўллар кесиб ўтади.

Банорасниг асли ватани Ҳиндистон бўлса-да, Ўзбекистонимизнинг кўпгина шаҳарларида қадимдан тўқилади. Ҳозир банорас Наманган шойи тўқиш фабрикасида ишлаб чиқарилмоқда.

Наманган банорасларининг кумушранг, оқ пушти, сариқ, яшил туслилари бўлиб, улар ҳам ғоят жилвали, кўркамдир. Банорасдан тўн, нимча каби миллий кийимлар тикилади.

Қўшиқ шайдоларига

ОНА ЮРТИМ

Олам аро юртларнинг энг аълоси,
Она юртим, ҳуснингнинг мен шайдоси.
Бахтиёрман муҳаббатинг қозонсам,
Шудир аҳдим, шудир умрим маъноси.
Толеи ёр, атайми, жоним ўлкам,
Қалби баҳор, атайми, жоним ўлкам,
Гулшандиёр, атайми, жоним ўлкам!—
Шудир бахтим—қалбимнинг муддаоси.
Сени севдим, юртим, бутун умрга,
Сенинг билан қалбим тўлади нурга,
Сенинг билан биргаман, жоним, бирга,
Олам аро юртларнинг энг аълоси...

Максим КАРИМ.

ДЕҲҚОН АҲДИ

Деҳқон кўнгли тинмас, омбори тўлмагунча,
Эл-юртнинг этиб шод, иқболи кулмагунча.
Пахтани айлаб эъзоз, исроф хор қилмай,
Хотири жам бўлмагай, йиғиб терилмагунча.
Тўлмайди кузда хирмон ёз ойи жон қоймтмай,
Пешонадан баҳорда терлар тўкилмагунча.
Қўл бирла ҳеч теримчи мўлжалга етказолмас,
«Зангори кема»лардан то ҳисса бўлмагунча.
Бос қамчи отларингга тизгинни берма қўлдан,
Рапортга ғолиб элдан имзо чекилмагунча.
Ҳеч кимса бовар этмас, Холис ифодасига,
Таъриф этиб ғазалда, номи ўқилмагунча.

ХОЛИС.

ТОШ ПАХТА

ТОШПАХТА жуда қадим замонлардан бери маълум. Лекин бу ноёб маъдан Ўзбекистонда йўқ деб ҳисобланарди. Ернинг юрагини эҳтиёткорлик билан тинглаётган геологларимиз Қурама тоғлари орасида тошпахта конини излаб топишди. Олимлар тахминича, янги топилган бу конда 500 минг тонна тошпахта бор.

Она Ер инъом этган тошпахтадан турли пишиқ газмоллар тўқиш мумкин.

Ҳ. МАНСУРОВА.

Ажойиботлар

АРИЛАР—ЎРМОН ҚЎШИҚЧИСИ

Қарағай ўрмони яқинидаги майдонча илматешик бўлиб ётипти. Бу, ари уяларидир. Улар бу ерда нима қилади?

Маълум бўлишича, бу ҳашаротларнинг жанговар традицияси экан. Улар шу ерда қарағайларнинг энг ашаддий зараркунандаси —узунтумшуқ қўнғизига ҳужум қиладилар. Арилар узунтумшуқнинг қуртларини ахтариб топиб, уларни тешадилар ва тухум қўядилар. Тухумлар қурт баданидан озиқланиб, улардан янги арилар пайдо бўлади.

МАРСДА ИС ГАЗИ БОР

Олимлар Марсда ҳеч қандай ақлли мавжудод йўқ деган фикрда бўлсалар-да, бу сайёранинг атмосферасида цивилизациямизнинг доимий ҳамроҳи бўлган ис гази борлиги аниқланди. Бир чет эл журналининг маълум қилишича, Марснинг инфрақизил спектрида ердан тарқалган карбон оксид чизиқлари билан бирга ноёб изотоп составли газлар топилган.

ЧОЙХЎР МАМЛАКАТ

Ирландия аҳолиси чойхўрликда дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Ирландиялик ҳар бир киши йил давомида ўртача 5 килограмм чой ичади. Бу соҳада улар ашаддий чойхўр инглизлардан ҳам ошиб кетишди.

Жавдат ЖАМОЛ

ҒОРЛАР ШАҲАРЧАСИ

Туя — Волидий машинасини эҳтиётсизлик билан ҳайдарди. Жануб томонга кетган шоссе бўм-бўш. Ҳаво-ажойиб, фақат муздек шамол етишмас эди. Лекин на илож, бу жойларда ёз жуда иссиқ бўлади.

Волидий шу томонга йўлга чиққанидан ўзини яна бир мақтаб қўйди. Туризмни ривожлантириш учун келажаги бундай жойни тасаввур қилиш қийин. Туя ўз рақибларини доғда қолдиргандан хурсанд, улар ғазабдан кўкариб кетадилар. Саёҳатлар бюросининг хўжайини Волидий рақиблар қўйган лақабни билади. Уни Туя деб аташлари яхши, тўти ёки ўғир деб аташса нима бўларди. «Туя» деганда милий колорит бор, туризм билан шуғулланувчи кишини характерлашда бир қизиқ штрих бор.

Иш бошдан ошиб ётарди, лекин ҳаммадан ёмони ишончсизлик билан қаровчи деҳқонлар олдида жонни жабборга бериш эди. Ҳар қандай бўлганда ҳам ер уларники... Агар ўзига етарли ер олиб қишлоқ жамоасидан меҳмонхона қуриш учун рухсат берилса, бутун харажат уч ҳиссага бўлиб қўлга киради.

Волидий нисбатан ёш бўлса ҳам ,ишни охирига етказадиганлардан эди. «Ҳаётда туя узоқни кўради, деб бекорга айтмайдилар». ўйларди у...

Энди саёҳатлар бюросининг хўжайини Учҳисор қишлоғига ўз мақсадини амалга оширгани, ҳаммасини ўз кўзи билан ўргани борар эди.

Йўлга чиқишдан олдин Волидий бир неча кун кутубхонада қолиб, бу район тўғрисида ёзилган китобларни ўқиш билан банд бўлди. Университетда ўқиб юрган йилларидаёқ Ғўреме водийсида қандайдир тош ғорлар, қадимий қишлоқ излари борлигини билар эди. Лекин буларнинг ҳаммасини аниқроқ билиш керак эди. Шунинг учун ҳам бир неча кун Анатолий тарихини ўрганди. Туя ҳамма ишга, айниқса, иш коммерсияга тааллуқли бўлса, жон-дил билан киришар эди.

...Маълум бўлишича Қайсари шаҳарчаси — марказий Анатолия вилоятининг маркази — илгари «цезарь» ёки «кесарь» —сўзидан олиниб «кесария» ёки «цезария» деб аталган экан.

Жуда қадимда Анатолияда Кичик Осиёнинг энг баланд тоғи — Эржейиш-Дағида вулқон портлаган. Кул аралашган лава Ғўреме водийсига оқиб тушган. Асрлар ўтиши билан ёмғир ва шамол енгил жинсларни оқизиб кетиб, конус шаклидаги қоялар қаққайиб қолган.

Бу даштли ва одамлардан йироқ жой IV асрда конус қояларда ҳосил бўлган ғорларда яшашни орзу қилган христиан монахларни қизиқтириб қолган. Аста-секин монахлар қишлоғи катталаша борган. Монахлар ғорларни ўйиб бутхона ва ҳужралар қуришган, уларнинг девор ва пештоқларини авлиёлар ва пайғамбарлар ҳаёти тасвирланган расмлар билан безатганлар.

XIV асрда қудратли Византия империяси турклар зарбасидан тор-мор қилинди —христиан дини ўрнига ислом дини қабул қилинди. Ғўреме водийсидаги монастирлар инқирозга юз тутди. монахлар ҳар томонга тарқаб кетдилар. Тўғри, ўтган асрнинг бошларидан тош ҳужраларда яна христиан монахлар яшай бошладилар (Уларни 1922 йилда ҳам учратиш мумкин эди).

Турк деҳқонлари монахлар тажрибасини қўлладилар. Дарахт бўлмаганлиги учун улар ҳам лава қояларидан ўзларига уйлар қавладилар. Бу уйлар ҳатто, ёғочдан қурилган уйларга қараганда айрим қулайликка эга эди: бу уйларни қуриш учун меҳнатнинг ўзи кифоя эди, ремонт қилишмас, босқинчилардан сақлар эди. Бунинг устига уни асосий уйча ёнида омборхона қавлаб, яна янги хона қуриб кенгайтириш мумкин эди.

Уқилғанлар Волидийнинг ҳаёлларини қанотлантирди. У Ғўреме ва Ургюп орқали жаҳоннинг ҳамма еридан келган туристлар шу жойга келаётганлари, қоядан ўйиб қурилган ресторраннинг тош залларида музика янграши, шам каби ишланган чироқлар авлиёлар юзларини ёритишини кўргандек бўлди. Кундузи эса Экзотик ғорлар, чиройлик Лава конуслари ва Эржеш тоғининг ғор билан қопланган чўққилари...

Лекин аввал ўз кўзи билан кўриш ва бунинг устига Қайсари шаҳар бошлиқларининг розилигини олиш керак эди.

Юз миля юрилгандан кейин асфальт тугаб, шағал йўл бошланди. Янги «Плимут» машинаси қанотларига тошлар урила бошлади. Яна эллик милядан кейин йўл шунчалик ёмонлашдики, у янги машинада йўлга чиққанига пушаймон бўлди.

— Мақтанчоқ эшак,—сўкинди ўзича.— «Плимут»инг билан кимнинг ҳавасини келтирмоқчисан? Ғорда яшайдиган айиқларнимми? Ижарга «Жип» машинаси олиш мумкин эди-ку...

Йўл катта тошлар орасидан айланиб, жуда торайиб кетди ва бурилишларда «Плимут» қанотлари янгрилиб кетди. Шунда Волидийнинг кайфиятини кўрсангиз эди.

Волидий орқага қайтиб кетмоқчи бўлган ҳам эдики, айланмачоқ йўл ва тошлар тугади. Ғўрема водийси яққол кўринди, унинг устидан Эржиеш тоғининг оқ қалпоғи кўзга ташланди. Лаванинг оқишкулранг оқимлари орасидан кўм-кўк яйлов намоён бўлди. Тошларнинг ваҳшийлиги, қуёшнинг иссиғи ва кўкаламзор — Ғўреме водийси мана шундай эди.

Волидий атрофига кўз югуртириб «Учҳисор» деган сўзлар ёзилган тахта қоқилган, қийшайиб қолган устунга кўзи тушди.

Учҳисор қишлоғи конус шаклидаги коя остига жойлашган эди ва Волидий жамоат фикрини тайёрлашни ҳамда ғорларни кўздан кечиришни қишлоқдан бошлашни лозим топди, чунки бу ерда одамлар ғорлардагига нисбатан кўп ва одамларни тўплаш учун бирор майдон бўлиши керак эди.

Аммо, «Учҳисор» Волидийни бепарволик билан кутиб олди, ҳатто, итлар ҳам ҳурмади.

«Ҳамма қирилиб кетмаганми?»— ўйлади Волидий ва биринчи эшикни очиб ичкари кирди.

— Бу ерда бирор кимса борми?— сўради у сал ёритилган хонанинг совуқ қоронғилигига кўз югуртириб.

— Худога шукур, бор,—қариянинг товуши эшитилди ва Волидий бурчакда тутаётган папирос чўғини кўрди,—Нима ишинг бор?

Волидийнинг кўзлари, астасекин қоронғиликка ўрганди ва у ўчоқ ёнига солинган гилам ястиқдан бутоқли ҳассага таяниб, ўрнидан тураётган кўз ойнаклик кексани кўрди.

— Мен қишлоқ оқсоқоли билан гаплашмоқчи эдим. Анқарадан келдим. Саёҳатлар бюросининг хўжайинниман, отим Волидий. Мен қишлоғингизда ер олмоқчиман.

— Оқсоқол далада, бей афанди. Ёзда ким уйда ўтиради дейсиз? Фақат менга ўхшаган чоллар бўлади, яна худога шукур жума кунлари уйда бўлишади.

Қишлоқ ўзининг қамбағаллиги билан Волидийни ҳайратда қолдирди: киччкина тошдан ясалган битта дарчалик уйчалар, қуритиш учун офтобга ёйилган йиртиқ полослар...

Етиб келган оқсоқол илтифотли, лекин камгап эди.

— Ҳозир, афандим, сиз билан ҳеч ким гаплашмайди. Ҳозирги бир кунимизда бир йиллик овқатимизни ғамлаб оламиз,— деди,— у сабрсизлик билан пастга, йўлдаги сўқа қўшилган отига кўз ташлаб —кечгача сабр қилинг бей афанди, ҳамма тўпланади.

Буларни норози қилишни худо кўрсатмасин! Волидий оқсоқол билан ҳамма одамлар кун ботгандан кейин қишлоқ майдонига тўпланишларини келишиб олиб, ғорларни кўргани кетди.

У тош ва қоя деворларига ўйилган зиначалардан интилиб сўкина-сўкина ғорлардан бирига чиқиб, ичкари қаради. Қурум босган паст шифт, қўпол тош ўчоқ, бурчакдаги шохшабба, ерга ёзилган эски гиламлар, уйнинг жиҳози шу эди. Киччина дарча ва эшикдан ғорга нур тушиб турарди. Зах ва нимқоронғилик.

Кутилмаганда Волидий боши устида дўқиллаган товуш эшитди ва ўзи турган ғорнинг устида «иккинчи қаватда» бир киши ишлаётганини кўрди. Яна деворга ёпишиб юқори чиқа бошлади. Чиқишга озгина қолганда, тойиб кетиб қулаб кетишга сал қолди, лекин кимнингдир бақувват қўллари унинг ёқасидан ушлаб қолди, бир зумда уни тош майдончага қўйди.

Биринчи кўзига кўринган нарса, чанғга қорилган ва ўқ-райган кўзлар эди.

— Жонингдан умидинг бўлса, менинг уйимдан нарироқда юр!

— Танишишга рухсат этинг, бей афанди. Мен Анқарадан келганман,— деди Волидий ва қўлини узатди.

— Мен Волидий Темиркўлман. Ёқинда уйимга Бельгиядан келдим. Нима тўғрисида гаплашмоқчи эдингиз, афандим?

— Биласизми, — Волидий портсигарини олиб Темиркўлга узатди, иккаласи чекишди, — Биласизми, киччина саёҳатлар бюросининг хўжайинниман ва туристик йўллар мана шу ўлкадан ўтишини истар эдим, — деди Волидий ўрганиб қолган рекламабоп сўзлар билан.— Жаҳоннинг ҳамма жойларидан келган кишилар Ватанимизнинг тарихий ёдгорликлари билан танишиши ва халқимиз қандай яшаётганини кўришини истар эдим, мен...

Шу дамда Темиркўл унинг сўзини бўлди.

— Улар нимани кўришади? Бошпанамиз бўлмаганидан қоялар... ўйиб уй қуришимизни-ми? Ёки ейишга ҳеч нарсамиз бўлмаганидан кун чиққандан кун ботгунча водийда ишлаганимиз, хотинларимиз эса битта гиламни икки йил тўқиб, Ургюнда арзимаган пулга сотишларинимми? Сиз аввал бизнинг қандай ҳаёт кечиришимизни кўринг, Волидий бей, балки одамлар билан суҳбатлашишга ҳожат қолмас, қаранг, Қилич кампир Ургюндан қайтиб келаётир. Унинг ҳамма мулки битта эшакка юк бўлади, у жуда кўп умр кўрган. Менчи? Уч йил Бельгия шахталарида ишладим. Турмушим яхшилигидан ўша ёққа кетдимми? Биз бельгияликлар билан бир хил иш ҳақи олишни талаб қилгандик, бизнинг номақбул мухожирлар каби мамлакатларидан чиқариб юборишди. Энди бу ерда ўзимгга бош пана қургунингча чўкич билан бутун йил тош қавлайсан...

— Монастирда одам яшайдими?— сўради Волидий.

— Темиркўл кулди.

— Мусулмонлар христиан монахининг ҳужрасида яшайдими? Сиз ўзингиз яшармидингиз? Йўқ. Биз яшаймиз. Яшаш учун яроқли бўлган барча ғорлар, албатта бутхоналардан бошқалари банд қилинган.

— Бу ерда бутхоналар кўпми?

— Бир йилда нечта кун бўлса, шунча бутхона бор.

— Наҳотки уч юз олтмиш бешта? Бой-бу! Одамлар далада қайтгунча кўриб бўлеманми? Қандай қилиб тезроқ бориш мумкин?

— Чапдаги катта конусни кўряпсизми? Бу қоронғи бутхона, унинг чапғогида Олмали бутхона. Мана бундай, сўқмоқ билан...

...Бутхонага киравериш ўпирилган эди. Волидий чўнтак фонарининг нурини деворга туширди ва сесканиб кетди — унга оқ соқоллик чол бақрайиб қараб турар эди. «Апостол Пётр»,— деди Волидий.

Деворларга авлиёлар расмлари ишланиб ташланган эди. Қуруқ ва салқин бўлгани учун уларнинг бўёғи айнимаган. Монахлар қиёфа ва расмларни тошнинг устига ишлаган эдилар, бўёқ тошга шимилиб ўчмас ҳолатга келган эди. Фақат айрим жойлардагина салжуқийлар қиличининг излари қолган эди. Қилич излари пушти ранг тош устунларда ҳам қолган эди.

Айрим расмлар устида ўз исмларини абадийлаштиришни яхши кўрадиган кишиларнинг дастхатлари кўзга ташланади. Бирининг остида «1650 А. Д»— деб ёзилган. Эрамизнинг 1650 йили.

Куннинг қолган қисми билинмай ўтиб кетди. Волидий «Учҳисор» майдонига келганда ҳамма тўпланиб бўлган эди. Волидийнинг кимлиги ва нима учун келганлигини билиб олишгандан кейин унга ҳаммаёқдан саволлар ёғила бошлади. Электр ўтказиладими? Йўлни тузатишадими? Волидийнинг фирмаси «Учҳисор»да ҳаётнинг яхшиланиши учун нима қила олади? Бугдойнинг нархи қанча бўлади?

Волидий ваъда беришга жуда уста эди. Бунинг устига у ўйлаб эҳтиётлик билан шундай жавоб берар эдики, жавоблари ростдек бўларди.

Қоронғи тушгач, Мехмет Кутлуч — қишлоқ оқсоқоли, жаноб Волидийни уйига таклиф қилди. У Мустафо Темиркўл ўзига уй қураётган жойнинг яқинидаги ғорлардан бирида яшар эди.

Кундузги иссиқ пасайгач, ғорларнинг эшик ва дарчалари ичкаридан ёритилиб қишлоққа қандайдир афсонавий тус берарди.

Волидий эшик олдида оёқ кийимини ечиб ичкари кирди ва шу заҳоти қаттиқ йўталди. Ғорнинг ичи тутунга тўла эди.

Унинг нафаси тиқилиб, кўзлари ачишиб кетди. Тошдан ясалган ўчоқ ёнида Мехметнинг хотини хамир ёяр эди. Бир неча иссиқ нон ёғоч лаганда турар. унинг ёнида тоғорачада шўрва, кўзачада эса пекмезсардок турар эди. «Бир кишига озлик қиладику,— ўйлади очиққан Волидий,— уч кишига мана бўларкин.

Кечаси машинанинг юмшоқ ўриндиғида ётиш мумкин эди, Лекин Туя оқсоқолни хафа қилишдан қўрқди: меҳмондўстлик қонуни уйда ётишни талаб қилар эди.

Марказдан келган меҳмон тун оққунгача қаттиқ кўрпачада агдарилиб, ўзини, ўз тақдирини ва ғорда яшовчиларнинг туристларни қўрқитадиган қашшоқлигини лаънатлаб ухлай олмади.

В. ЙЎЛДОШЕВ таржимаси.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ПАХТА БАЙРАМИ КУНЛАРИДА

1970 йилнинг 2 ва 3 декабрида Катта ўзбек тракти билан Тошкент халқа йўли ўртасидаги асфальт йўллар оралиғида жойлашган янги Тошкент Ипподромида пахтакорларнинг байрами бўлади.

Транспорт ва пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тартибга солиш, транспорт ҳаракати, жумладан пассажир транспорти қатновини асосан икки йўналиш орқали бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Шота Руставели кўчасидан Катта ўзбек тракти бўйлаб Ипподромга биринчи бурилиш йўлидан, у ерда машиналар тўхташ жойи ташкил қилинган.

2. Чилонзор массивидаги Халқлар дўстлиги кўчасидан Катта ўзбек тракти бўйлаб Ипподромдаги биринчи бурилишга қадар бўлган маршрут бўйлаб юрилади.

Ипподром территориясига ва Савдо ярмаркасига махсус пропускаси бўлмаган автомашиналар қўйилмайди. Хизмат кўрсатадиган транспорт махсус пропуска билан ипподром территориясига халқа йўлнинг иккинчи бурилишидан киритилади.

Бугун

соат 12 да байрам тантаналари бошланади.

Ипподром территориясига махсус хизмат машинаси ва савдо ярмаркасининг транспортини киритиш соат ўнда тўхтатилади.

Пропускали машиналарни киритиш соат 11 да тўхтатилади.

Ипподромга борувчилар учун Тошкент шаҳар автомобиль трести томонидан қуйидаги маршрутлар ва йўналишлар бўйлаб пассажирларни ташиш уюштирилади .

1. Навоий театр майдони, Киров кўчасидан ва Калинин майдонидан, Комсомол майдони, Фурқат, Халқлар дўстлиги кўчаси, Катта ўзбек трактида тўхтаб, Ипподромгача борадиган экспресс автобуслар қатнайди.

2. Қатортол, Волгоград кўчаларининг энг сўнгги бекатидан халқа йўл бўйлаб Ипподромгача борилади.

3. Олтинчи маршрут автобуси аэропортдан Шота Руставели кўчаси билан Ипподромгача боради.

Ипподром территорияси ва савдо ярмаркаси бўйлаб транспорт юриши ман этилади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2.XII да **Олтин девор**, 3.XII да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2.XIIда **Ёлғончи дарвиш**, 3.XIIда **Қалам қошлигим.**

Кино

2 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

«Трест» операцияси — «СПУТНИК» (кеч 6 да).

3 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Трест» операцияси —«СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5 ва кеч 6 да).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ **Шарқ тилларини** (форс, араб, ҳинд тиллари) **ўргатадиган пуллик, икки йиллик курсларга**

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 36-уй, 25-хона, телефон № 44-24-52 кундуз соат 1дан кеч соат 8 гача учрашилсин.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР:

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИГА

(Ремесленний кўчаси, 8-уй)

Бош бухгалтер ўринбосари, кассир, ўқув бўлими бўйича секретарлар, лаборантлар, комендант, гардеробчилар, боғбон, қоровул, вахтер, сантехник

КЕРАК

ДАВЛАТ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА

(1-Май кўчаси, 85-уй)

инженерлар ва техник-қурувчилар, сантехниклар, ҳамда енгил саноат тармоқларига инженер-технологлар

КЕРАК

Тошкент прописксасида турувчи ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

«ТАШКЕНТГЕОЛОГИЯ» ТРЕСТИНИНГ КОМПЛЕКТЛАШГАН ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИГА (Т. Шевченко кўчаси, 11-уй)

бош бухгалтер

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлар институтининг ер тузиш факультети томонидан **Унгалов Милтиқбой** номига берилган Ш — 408209 номерли 2939 серияли гувоҳнома

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

мактаб ва таш-килотларнинг заявкалари бўйича

ҲАР КУНИ

ЭКСКУРСИЯ ЎТКАЗАДИ

Елғиз кишилар учун дам олиш кунлари кундуз соат 3 да экскурсия уюштирилади.

Дам олиш куни—сешанба.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 4-уй телефон № 33-67-28; 33-93-91.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ

(Шпилков кўчаси, 15-уй)

ОЧИЛДИ

Музей душанба кундан ташқари ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч соат 5 яримгача ишлайди.

Коллектив бўлиб кириш учун заявкалар қабул қилинади.

Жойларда созлаш ишларини ишлаб чиқариш ва Тошкентга келиб ҳисоб бериш учун; электр симлари, тармоқлар ва подстанциялар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика, вентиляция ва ҳавони кондициялаш, саноат қозон қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари бўйича инженерлар ва техниклар

КЕРАК

План тўлган тақдирда квартал мукофоти 75%, имтиёз коэффициенти 15% дан 70% гача, командировочний суткага 3 сўмгача ва квартира ҳақи тўланади.

Турар жой умумий асосларда Тошкент шаҳрида 1971/73 йиллар ичида берилади.

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Куйбишев кўчаси 16-уй телефонлар; 33-82-66; 33-89-59; 33-93-73; 33-92-85.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ВА НАШРИЁТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ

тунука, рух ва латунларда клише ҳамда жадвалларни тайёрлаб бериш учун чекланмаган миқдорда

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар қисқа муддат ичида бажарилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон № 33-50-75.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЭШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли цирк томошалари.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари; кундуз соат 3 ва кеч 6 да;

якшанба кунлари; кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ТЕЛЕВИЗОР

2 ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** «Юлдузча» телевизион журнали (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.40 «Ахборот» информацион программаси. **18.55** Спорт эшиттиришн. **19.25** «Юлле Улла». Фильм-концерт. **19.50** Реклама.

Ўзбек тилида: 20.00 «Ахборот» информацион программаси. **20.15** «ЛЕНИННОМА» программаси. Хоразм инқилобига —50 йил. **21.05** Янгиликлар. **21.15** ПАХТА БАЙРАМИ. «Олтин водий» программасининг махсус сони. 2-кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Ўсмирлар учун кўрсатув (рус тилида). **18.40** «Истиқбол йўли». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Эфирда «Молодость». **20.30** Рангли телевидение. Моҳир қўллар. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Халқаро хотин-қизлар Демократик Федерациясининг 25 йиллиги. **21.20** Рангли телевидение. С. Рахманиновнинг симфоник рақслари. **22.00** Бутуниттифоқ телевидениеси ва радиосининг халқаро шарҳловчиси А. Потаповнинг чиқиши. **22.15** «Нотр-Дам узра соялар». Бадиий фильм. 1-серия. **23.50** «Вақт» информацион программаси. **00.20** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Оддий ҳодиса». Бадиий фильм. **21.25** «Қанотли қўшиқлар». Фильм-концерт.

3 ДЕКАБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «Ахборот» информацион программаси. **18.10** КПСС XXIV съезди шарафига. Рангли металлургиямиз фахри. **18.30** «Доктор Гомернинг укаси». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 20.00 «ЕРҚИН ҲАЁТ» Хотин-қизлар учун программа. **21.00** Миллионлар ленинча университети. «Коммунизмнинг илмий мактаби». **21.15** «Ахборот» информацион программаси. **21.30** ПАХТА БАЙРАМИ. «Олтин водий» программасининг махсус сони. 2-кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 Ўқитувчилар учун консультация (ўзбек тилида). **18.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (ўзбек тилида). **19.15** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.05 «Шаҳарлар ва йиллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Миллионлар ленинча университети. **21.35** Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «ПОРЛА, ЮЛДУЗЧА». Тошкентдан олиб кўрсатилади. **22.00** «Беш йиллик одимлари». **22.15** «Нотр-Дам узра соялар». Бадиий фильм. 2-серия. **24.00** «Вақт» информацион программаси. **00.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Менинг жонажон шаҳрим». Кинофильм.

Рус тилида: 20.15 «Биз—эркаклар». Қисқа метражли бадиий фильм. **20.30** Хореографик новеллалар. Фильм-концерт. **21.00** «Ҳаётга йўлланма» Бадиий фильм.

РАДИО

2 ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

ПАХТА БАЙРАМИ БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 ДОНГДОР ПАХТАКОРЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ КОНЦЕРТ. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **18.00** «Пахта байрами» (русча). **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** ПАХТАКОРЛАРГА МУЗИКАЛИ СОВҒАЛАР. **21.55** «Саломатлик— туман бойлик» (ўзбекча). **22.20** «ЯШНА, ГУЛЛА, ПАХТАКОР ЎЛКА!» Катта байрам концерти. **22.40** Шеърият кечаси (ўзбекча). **23.15** КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИНИНГ ДАВОМИ. **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Италия қўшиқлари. **19.30** «Звезда Востока» меҳмонимиз (русча). **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** «Ўзбекистоннинг ёш композиторлари». Музикали эшиттириш (русча). **21.00** «Қардош халқлар адабиёти». Қозоқ ёзувчиси Ш. Абдираменовнинг «Профессорнинг ўлими» ҳикояси (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Полк ўтмоқда» спектаклининг монтажи (русча).

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 2 ДЕКАБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт. санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари—33-27-57. саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95. эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3172. Р—02005.